Ушбу сонда:
2 *Жиноят илдизи қаерда?* ТУБАНЛИК
3 *Амнистия* ИНСОНПАРВАРЛИК ИФОДАСИ
4 *Премьера* САНЪАТКОРЛАР ТУҲФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 25 май, сешанба №65 (712)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ жанοби олийларига

НАТОнинг 50 йиллиги тантаналари муносабати билан ўтказилган саммит ҳамда Ҳамкорлик бўйича Евро-Атлантика Кенгаши учрашуви пайтида менга ҳаммаслак бўлганингиз учун Сизга миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман. Биз саммитда эришилган ҳамкорлигимизни чуқурлаштириш ҳамда ҳамкор мамлакатлар ва иттифоқ ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги натижалар билан фахрланишга ҳақлимиз.

Бизнинг кенгашдаги ҳамда Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик дастури доирасида амалга ошираётган ишимиз барқарор ва хавфсиз Евро-Атлантика Ҳамкорлигини бунёд этишга ёрдам бермоқда. Биз ҳамкорлик ва мулоқот умумий қадрият ва мақсадларимизга кўмаклашишига ишонганимиз учун ҳам ҳамкор ва дўст бўлишга аҳд қилганмиз.

Келинг, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларга риоя этилаётган Тинчлик ва равнақнинг Евро-Атлантика Зонасини биргаликда бунёд қилишда давом этайлик.

**Камоли эҳтиром билан,**

**Билл КЛИНТОН,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти**

# ИСЛОМ КАРИМОВГА «ОЛТИН МАРЖОН» МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ







**Мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро ҳаваскор курашчилар федерацияси (ФИЛА) Бош котиби Мишел Дюссон Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга федерациянинг олий мукофоти - «Олтин маржон»ни тантанали равишда топширди. Мазкур мукофот давлатимиз раҳбарига мамлакатимизда, қолаверса жаҳонда спортни ривожлантириш йўлидаги катта хизматлари учун берилди. Шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жаҳондаги давлат раҳбарларидан биринчи бўлиб ушбу олий мукофот билан тақдирланди.**

24 май куни Оқсарой қароргоҳида Президент Ислом Каримов билан ФИЛА Бош котиби Мишел Дюссон ўртасида бўлиб ўтган мулоқот чоғида ўзаро алоқаларни кенгайтириш, Ўзбекистонда спортни янада юксалтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Маълумки, 25 май куни Тошкентдаги «Юнусобод» спорт мажмуида юнон-рум ва эркин кураш бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бошланади.

- Мазкур чемпионатнинг Ўзбекистонда ўтказилиши биз учун катта воқеа,- деди Ислом Каримов суҳбат чоғида.- Хабарингиз бор, яқинда Тошкентда ўзбек кураши бўйича биринчи халқаро мусобақа ҳам бўлиб ўтди. Бу тадбирларнинг барчаси Ўзбекистон билан халқаро спорт ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бугунги кунда ФИЛАга 135 дан зиёд мамлакатнинг кураш бўйича миллий федерацияси аъзо. Ўзбекистон Кураш уюшмаси унга 1992 йилда қўшилган. ФИЛАнинг асосий мақсади - юнон-рум, эркин кураш ва аёллар курашини дунё миқёсида кенг ёйишдир.

Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.

(ЎзА)

## ОВУЛЛАРГА ГАЗ КЕЛДИ

Хўжайли тумани «Озодлик», «Оқ олтин» ва Ҳамза номидаги ширкатлар бирлашмалари ҳудудида истиқомат қилувчи икки мингдан ортиқ аҳолининг эзгу орзуси рўёбга чиқди. Улар хонадонида «зангори олов» ёнди. Бунга «Озодлик» ширкатлар бирлашмасида газни автомат тарзда тақсимлаш станцияси фойдаланишга топширилгани туфайли эришилди.

Шу муносабат билан бу ерда бўлиб ўтган йиғилишда ҳозирги вақтда Қорақалпоғистонда аҳолининг салкам 90 фоизи табиий газдан фойдаланаётгани, эндиликда энг олис овулларга ҳам газ етиб бораётгани таъкидланди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси раиси Т.Камолов қатнашди.

## МЕҲНАТГА ЯРАША РАҒБАТ

Наманган вилояти пиллачилари оммавий равишда пилла теришга киришдилар. Улар бу йил 2850 тонна юқори сифатли хомашё етказиб бериши керак. Дастлабки натижаларга қараганда, топширилаётган пилла сифати яхши, ҳосилдорлик ҳам юқори.

- Бунинг сабабларидан бири - пиллачиларга тарқатилган уруғнинг юқори сифатлилигида, - дейди «Наманганпилла» вилоят акциядорлик жамияти раиси Раҳимжон Жабборов. - Тарқатилган уруғнинг учдан икки қисми Жанубий Кореядан келтирилган. Маҳаллий заводларда етиштирилган сара уруғ ҳам ундан қолишмайди. Келгуси йил ўзимиздаги заводларнинг қувватини ошириб, сара уруғ тайёрлашни янада кўпайтиришни мўлжаллаб турибмиз. Чунки хорижий уруғ қанча яхши бўлмасин, у барибир анча қимматга тушади. Бу эса, хомашёнинг таннархига ҳам таъсир қилади. Биз ўзимизда етиштирилаётган уруғ хориждан келтирилаётган уруғдан қолишмаслиги учун ҳаракат қилишимиз лозим.

Бугунги кунда пиллачиларни ташвишлантириб турган асосий муаммолардан бири - уларнинг оғир меҳнатига ўз вақтида ҳақ тўлаш муаммосидир. Р.Жабборовнинг гапига қараганда, мавсумда бу масалада қийинчилик туғилмайди. Пиллачилар билан ҳисоб-китоб қиладиган хўжаликларга ҳозирнинг ўзида 230 миллион сўмдан ошиқ маблағ тўлаб қўйилган. Бу охирги ҳисоб-китоб миқдорининг тенг ярмидир.

Пиллачиларга пулнинг бир қисми қабул пунктларининг ўзида берилади. Пилла қайта ишланиб, сифати аниқланганидан сўнг, август ойида эса, тўлиқ ҳисоб-китоб қилинади.

**Н.ХЎЖАЕВА,**
**ЎзА мухбири**

# ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

**24 май куни пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ўзбекистон-АҚШ, АҚШ-Ўзбекистон қўшма комиссиясининг иккинчи сессияси бошланди.**

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири, мазкур комиссия ҳамраиси А.Комилов мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг тадбир иштирокчиларига табригини ўқиб эшиттирди. Унда Ўзбекистон раҳбари сессия қатнашчиларига муваффақият тилаб, бу тадбир икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишига умид билдирганини таъкидлади.

Ҳозир Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари юксак даражада ривожланиб бормоқда. Бунга шу вақтгача эришилган натижаларга қараб ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. Масалан, айни пайтда мамлакатимизда АҚШнинг ўнлаб фирма ва компаниялари муваффақият билан фаолият юритмоқда.

Қўшма комиссиянинг биринчи сессияси шу йил феврал ойида АҚШ пойтахти Вашингтонда бўлиб ўтган эди. Унда турли соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинганди. Тошкентдаги йиғилишда ана шу ҳужжатларни ҳаётга тадбиқ этиш жараёнини фаоллаштириш, уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, сессия давомида тадбир қатнашчилари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга қаратилган янги ҳужжатларнинг лойиҳаларини ҳам ишлаб чиқишни режалаштирган.

АҚШ Давлат котибининг янги мустақил давлатлар ишлари бўйича махсус маслаҳатчиси, қўшма комиссия ҳамраиси С.Сестанович АҚШ ҳукумати Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқалари ривожига катта эътибор қаратаётганини таъкидлади.

Сессия кун тартибидан жой олган масалалар икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини қамраб олади. Анжуман иштирокчилари, айниқса, сармоя масаласига катта эътибор қаратмоқда. Айни пайтда АҚШ томонидан шу пайтгача Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган сармоя томонларнинг имкониятларига тўла мос эмас. Шу боис, сармоя киритиш ва натижада икки томон ҳам фойда олиши мумкин бўлган янги соҳаларни белгилаш, бу борадаги имкониятларни ўрганиш долзарб масала ҳисобланади. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик ҳамкорликнинг ривожланишида ҳам айнан шу масала муҳим ўрин тутади.

Анжуманда икки мамлакат ўртасида халқаро ташкилотлар доирасидаги алоқаларни ривожлантириш масаласи кўриб чиқилди. Хусусан, НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури ҳамда Евро-Атлантика ҳамкорлик кенгаши доирасида тинчликни сақлаш, мудофаа ва минтақавий хавфсизлик бўйича ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Қўшма комиссия сессиясининг биринчи иш кунида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.Голишев, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М.Раҳмонқулов, Бош вазир ўринбосари Б.Ҳамидов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Анжуманда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ж.Пресел ҳозир бўлди.

Сессия 25 май куни ўз ишини давом эттиради.

* * *

Шу куни сессияда иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ делегацияси вакиллари Ўзбекистон Макроиқтисодиёт ва статистика ҳамда Мудофаа вазирликларига ҳам ташриф буюриб, музокаралар ўтказди.

Музокаралар чоғида томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

## ШИФОБАХШ ҚУРИЛМА

*Халқаро «Соғлом авлод учун» жамғармаси болалар саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида ҳам тадбиркорлик билан иш олиб бормоқда. Республикамизда сил касали билан оғриган болалар дардига шифо бўлиш мақсадида муолажаларни йўлга қўйишда ҳам жамғарманинг ёрдами катта бўлмоқда.*

*«Тиббий-ижтимоий ҳимоялаш» дастури бўйича амалга оширилаётган бу каби жараёнлар Германия Бундесври томонидан қўллаб-қувватланиб, сил хасталигига қарши кураш режалари ишлаб чиқилди. Бу немис ташкилоти ҳиммат кўрсатиб, кўчма флюрографик қурилмаси намунасини республикамизга тортиқ қилди.*

*Мазкур тиббий аппарат касалликнинг бошланғич босқичини аниқлаш ва даволаш имконини беради. Шунингдек, бу қурилма муолажавий тадқиқотлар ва кузатиш ишларини олиб боришда ҳам техник восита сифатида хизмат қилади.*

*Тиббий қурилма Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фтизиатрия ва пульмонология институтига берилди.*

## ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ШАРАФЛАНДИ

Шофиркон туманидаги 4-мактаб битирувчиси Лазизжон Савриев ўзи таълим олаётган мактабда сўнгги қўнғироқ чалинмай туриб, институт биринчи курс талабаси бўлди. Гап шундаки, у «Олимпиада-99» республика босқичида немис тили фани бўйича иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллаган эди. Шу боис Лазизжон мамлакатимиздаги исталган олий ўқув юртининг роман-герман тиллари факультетига имтиҳонсиз қабул қилинади.

Шунингдек, республика олимпиадасида фахрли иккинчи ўринни эгаллаган беш нафар иқтидорли ёшлар ҳам ўзлари танлаган фан бўйича институтларнинг биринчи курс талабаси бўлишди.

Бухоро вилояти ҳокимлигида ана шу иқтидорли ёшлар ва уларнинг ўқитувчиларини тақдирлаш маросими бўлди. Унда вилоят ҳокими С.Хусенов қатнашди.

(ЎзА)

*Спартакиада таассуроти*

# БАРЧА БИРДЕК МАНФААТДОР

**Саломатлик ва гўзаллик байрами. Кўҳна Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Республика аёллар спартакиадаси шундай тавсиф ила тилларга тушди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ўтказилган ушбу спорт анжумани нафақат хотин-қизларга бўлган эҳтиром белгиси, айни вақтда мустақил Ватанимиз учун ўзига хос салоҳият йўқламасига айланди, десак муболаға бўлмайди.**

**Чиндан-да, спартакиада барчада чуқур таассурот қолдирди. Буни қуйида эътиборингизга ҳавола этаётганимиз мулоқат гулдастаси ҳам тасдиқлаб турибди.**

**Шаҳло ЗОКИРОВА,**
**Спартакиада иштирокчиси, енгил атлетика бўйича иккинчи ўрин соҳибаси**

- Тўғриси, вилоят саралаш баҳсларида қатнашиб, республика спартакиадасига йўлланма олганимда, баҳслар шу қадар қизғин ўтади ва энг муҳими, спорт байрами шу даражада мароқли учрашув, сайру саёҳатлар билан сайқал топади, деб ўйламагандим. Ўзим Қарши шаҳридаги 43-ўрта мактабда бошланғич синфларга дарс бераман. 1991 йилдан буён спорт билан фаол шуғулланаман. Бу мен учун шунчаки қизиқиш эмас, балки ҳаёт тақозоси ҳамдир. Доим соғлом ва тетик юришга нима етсин.

Спартакиаданинг ҳар йили, мунтазам равишда ўтказилишини эшитиб, очиғи, ўзимда йўқ хурсанд бўлдим. Демак, келгуси йили бўладиган навбатдаги баҳсларда ғолиб чиқиш учун ҳозирдан тайёргарлик бошлайверсам бўлади.

**Вера ДУЮНОВА,**
**икки карра олимпиада чемпиони, волейбол бўйича Спартакиада бош ҳакамин**

- Мен жуда кўп турнирларда қатнашганман. Спорт оламини лол қолдирган ажойиб волейболчи қизлар билан ёнма-ён туриб ўйнаганман. Ҳар бир ўйин гўё охиргиси каби жонжаҳди билан тўпга ташланган онларимиз кўп бўлган.

Гарчанд спартакиадада менга кўрсатилган шараф - бош ҳакамлик мавқеи оғир-босиқ бўлишим лозимлигини эслатиб турсада, гоҳ-гоҳ оддий томошабинлар каби у ёки бу зарбадан завқландим. Хусусан, Хоразм ва Наманган волейбол мактаби вакилларининг маҳорати анча ортганлигини сезилди. Лекин улар ҳали жисмоний жиҳатдан чиниқишга кўпроқ аҳамият беришлари даркор.

Мен бу гапларни беҳуда айтаётганим йўқ. Ўзбекистон йил сайин спортда эришган ютуқлари билан дунёни забт этаётган бўлса-да ва бу ғалабалар янада кўпроқ ва салмоқлироқ бўлиши учун барча имкониятлар мавжуд эса-да, шуни очиқ тан олишимиз керакки, бу муваффақиятда қизларимизнинг улуши кутилганидан камроқ бўлаётир. Айниқса, терма жамоалар сафида ўзбек қизлари озчиликни ташкил қилади.

Спартакиада шу маънода ҳам жуда зарур. Фақат ушбу жараёнда истеъдодли ва истиқболи порлоқ иқтидор эгаларини кашф этишга эътиборни кучайтириш керак. Бу эса, спартакиада аҳамиятини янада юқори поғонага кўтаради, деб ўйлайман.

**Мамажон АҲМЕДОВ,**
**Самарқанд шаҳар «Оби маҳшад» маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли, спорт устаси.**

- Спартакиада арафасида маҳалламизга Республика касаба уюшмалари Федерацияси ва вилоят кенгаши вакиллари ташриф буюриб, амалга ошираётган ишларимиз билан яқиндан танишишди. Ўз кучимиз билан қурган спорт клубида бўлиб, турли анжомлар туҳфа этишди. Бундан маҳалла аҳлининг боши осмонга етди.

Спортга бунчалик эътибор қаратаётганимиз бежиз эмас. Масалан, ўтган йили маҳалламизда биророта ҳуқуқбузарлик ҳолати қайд этилмади. Бунақа номаъқулчиликка одамларимизнинг вақтлари ҳам йўқ. Ҳар шанбани «Саломатлик куни» деб эълон қилганмиз. Етти ёшдан етмиш ёшгача - барча ўзи ёқтирган спорт тури билан машғул. Аста-секин бу тадбирга аёлларда ҳам қизиқиш уйғониб бораётганидан мамнунмиз. Марҳамат, истаган спорт турлари билан шуғуллланишсин: стол тенниси, волейбол, шахмат-шашка...

Назаримда шаҳримизда бўлиб ўтган Аёллар спартакиадаси шарофати билан спортга қизиқиш маҳалла аҳли ўртасида кескин ортгандек. Агар келгуси Спартакиадада маҳалламиздан кимдир спортнинг у ёки бу тури бўйича шоҳсупадан жой олса, асло ажабланмайман.

### Илғор тажриба кўпчилик мулки

# ҚАЛБ МЕҲРГА ТАШНА

**Ўша куни бир пиёла чойга комбинатда ишлаб кетган барча фахрийлар таклиф этилди. Уларга иззат-икромлар кўрсатилди.**

**Тадбир бошида пазандачилик бўйича танлов ўтказилди. Хотин-қизлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Ниҳоясида қўли гул пазандалар турли совғалар билан тақдирландилар. Табиат шайдолари танлови ҳам қизиқарли ўтди. Шундан кейин яна бошқа тадбирлар, ўйин-кулгу анчагача давом этди.**

Хотира ва Қадрлаш кунига корхона касаба уюшма қўмитаси алоҳида тайёргарлик кўрди. Шу ерда ишлаб кетган пенсионерлар таклиф этилди. Ундан ташқари фаоллар бу ерга келишга қодир бўлмаганларнинг уйларига боришди. Айримларга моддий ёрдам, айримларга совға-салом берилди. Айниқса икки оёғидан ажраган қария Юсуфжоновнинг севинчдан кўзига ёш келди.

- Халқимизда, олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасму, деган мақол бор,- дейди биз билан суҳбатда Ижарадаги Тошкент полиграфия комбинати касаба уюшма қўмитасининг раиси Шавкат Усмонов. -Менимча ҳозирги шароитда қўлдан келганча савобли ишларни кўпайтириш керак.

Комбинатда айниқса ишловчилар ва улар оила аъзоларининг соғлиғини муҳофаза қилишга катта эътибор берилмоқда. Тиббий шохобча ходимлари сидқидилдан хизмат қилишмоқда.

Агар ишчи-хизматчининг ўзи ва оиласи соғ бўлсагина, у самарали ишлайди. Тузилган жамоа шартномасида ҳам бунга алоҳида банд белгиланган. Унда шундай жумлаларни ўқиш мумкин:

«Йилнинг ҳар чорагида ишчиларнинг касалланиш сабабларини ўрганиб бориш, касалланиш даражасини пасайтиришга қаратилган тадбирларни уюштириш, махсус рўйхатда турувчи сурункали касалликка чалинган ишчиларни корхона ҳисобидан даволаш, ҳар бир ишчи учун алоҳида картотека очиб, унда йил мобайнида касаллик варақаларидаги қайдларни кўрсатиб бориш...» Бу бандлар изчил амалга оширилмоқда. Ишловчилар ва уларнинг фарзандлари ҳар йили диспансеризациядан ўтказилиб, турли касалликларнинг олди олинмоқда. Маъмурият дори-дармонлар учун мунтазам маблағ ажратмоқда. 1999 йилнинг ўтган даврида 180 киши ишлаб чиқаришдаги шифокорлар ёрдамида даволанди.

Корхона ҳаётини ўрганар эканмиз, бу ерда меҳнаткашларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясига ниҳоятда эътибор берилаётганини кўрамиз. Ҳар бир ишловчининг умумишга қўшган ҳиссасига қараб рағбатлантириш, моддий манфаатдорлик, ҳуқуқий ҳимоя меъёрлари яратилган. Масалан, кечки навбатда ишловчиларга 20 фоиз, тунги навбатда ишловчиларга 50 фоиз қўшимча ҳақ жорий этилмоқда. Иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун тўланадиган ҳақ икки баробардан кам бўлмаслиги керак.

Ишчи-хизматчининг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси қадрлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришда албатта ҳисобга олинади. Агар ишчилар, усталар ва хизматчилар ўз хизмат вазифаларини адо этиш билан бирга вақтинча ишга чиқмаётган ишчиларнинг ишини ҳам бажарсалар, уларга албатта қўшимча ҳақ тўланади. Корхона Низомига мувофиқ йил бўйи қилинган меҳнатга яраша алоҳида моддий рағбатлантириш жорий этилган.

Корхона ҳисоб рақамида пул маблағи бўлмаган тақдирда, маъмурият қарз олиш ҳисобига иш ҳақини кўрсатилган муддатда тўланишини таъминлаши жамоа шартномасида кўрсатилган.

Касаба уюшма қўмитаси фаолияти билан танишар эканмиз, меҳнаткашларга бўлган ғамхўрлик, ижтимоий ҳимоянинг барча қирраларини қамраб олишга интилиш, оқибат кўрсатишнинг гувоҳи бўламиз. Касабақўм беш ва ундан кўп фарзанди бўлган, шунингдек бева қолганлар, ногирон фарзанди бўлганларни алоҳида рўйхатга олган. Улар ҳол-аҳволидан кўз-қулоқ бўлиб турилади. Қўлдан келганча, моддий-маънавий кўмак бериб турилади. Яқинда моддий имконият туғилган эди, бундай оилаларнинг ҳар бирига 5 минг сўмдан ёрдам кўрсатилди.

Корхонада 1999 йил учун меҳнат шароитларини яхшилашга, хавфсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш учун икки миллион уч юз минг сўм, шунингдек, зарарли шароитда ишловчилар учун сут маҳсулотлари, шарбатлар учун 300 минг сўм, махсус иш кийим-боши, якка ҳимоя воситаларига ҳам 900 минг сўм ажратилди.

Дам олиш ва соғломлаштириш масаласида имкон борича шароит яратиб беришмоқда. Бу йил ишчи-хизматчиларга дам олиш уйлари ва пинсионатларга 53 та, санаторийларга 13 та, болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига 131 та, «Она ва бола» сиҳатгоҳларига 5 та йўлланма ажратиш мўлжалланмоқда. 65 нафар ходим Бўстонлиқдаги «Қизилсой» дам олиш уйида уч кун ҳордиқда бўлдилар. Ундан ташқари Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги олис бўлмаган қадимий-тарихий шаҳарларга, зиёратгоҳларга саёҳатлар уюштириш режалаштирилган.

Корхонада аёллар ижтимоий ҳимоясига эътибор кучли, Аёллар йили муносабати билан эса алоҳида тадбир ишлаб чиқилди. Албатта уларнинг айримларини таъкидлаб ўтиш ўринли бўлса керак. Мазкур ҳужжатнинг биринчи банди «Аёлларнинг тўлақонли ва самарали меҳнат қилишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни аёллар ишлаши мумкин бўлмаган оғир ва зарарли ишларга жалб этмаслик», деб бошланади. Бу борада корхона бўйича кўп ташкилий ишлар қилинди. Бундай ўйлаб қаралса моддий маблағ сарфланмай ҳам аёллар ҳурматини жойига келтириш юзасидан кўп ишлар қилиш мумкин экан.

Жамоа шартномасига «Оилавий юмушлар билан машғул бўлган аёллар учун қўшимча кафолатлар» бўлими киритилгани нур устига нур бўлди.

Кам даромадли, серфарзанд аёлларни зарур дори-дармонлар билан таъминлаш, сурункали касалликларга чалинган ишчиларнинг корхона фойдаси ҳисобидан даволанишини янада яхшилаш, даволанишга муҳтож бўлганларни «Она ва бола» санаторийсига йўлланма билан таъминлаш каби ажойиб таклифлар ҳам янги тадбирдан ўрин олган.

Тадбирларни ўқир эканмиз, касаба уюшма қўмитасининг ижтимоий, моддий, ҳуқуқий ҳимоя юзасидан кўп йиллардан бери шуғулланаётганлиги ва бу муҳим ишга эътибор билан, билим ва инсоний қалб билан ёндошиши ёқимли ҳис уйғотади.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида ёшлар тарбияси, она Ватанга муҳаббат туйғуси ҳақида алоҳида гап борди. Тарбия эса болаликдан, уй остонасидан бошланади. Касаба уюшма ишларида ватанпарварлик мактаби сабоқларини кўриш мумкин. Корхонада анъанавий ўтказиладиган «Биринчи маротаба биринчи синфга» байрами ана шулар жумласидандир. Тадбир кўп нарсани қамраб олади. Байрам ниҳоясида болаларга портфел ва ўқув қуроллари ҳадя этилади. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни корхонада болалар расм чизиш кўрик-танлови ўтказилади, ғолиблар асарлари комбинат доимий ойнасидан ўрин олади. Ютиб чиққанлар мукофотланади. Бу каби мисолларни яна ва яна кўплаб келтириш мумкин.

Сирасини айтганда бундай ишлашнинг ўзи бўлмайди. Фақат фидойилик туфайлигина унга эришиш мумкин. Касаба уюшма қўмитаси маъмурият билан шерикчилик тамойиллари асосида фаолият кўрсатмоқда. Ҳеч қандай низоларнинг пайдо бўлишига йўл қўйилмаяпти. Жамоа шартномаси, бошқа тадбирий ҳужжатларни кўрар эканмиз касаба уюшмаси, маъмурият, жамоа ташкилотларининг ҳамкорлик намунасини сезиш қийин эмас.

**Будир ПЎЛАТОВ.**

### Касаба уюшма қўмитаси фаолияти хусусида умумий тушунчалар

# 117 САВОЛГА ЖАВОБ

**45. Жамоа шартномасининг бажарилишини ким текширади?**

Жамоа шартномасида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини тарафлар вакиллари меҳнат жамоаси, шунингдек, Республика Меҳнат вазирлигининг тегишли органлари текшириб борадилар. Жамоа шартномасини имзолаган шахслар ҳар йили ёки жамоа шартномасида махсус кўрсатилган муддатларда мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақида меҳнат жамоасининг умумий мажлисида (конференциясида) ҳисобот бериб турадилар. Текшириш олиб бориш вақтида тарафлар ўзларидаги зарур бўлган барча маълумотларни бериши шарт. Маъмурият жамоа шартномасининг шартларини бузувчи қарор қабул қилган тақдирда касаба уюшмалари ана шу қоидабузарликни бартараф этиш тўғрисида маъмуриятга тақдимнома киритишга ҳақлидир, бу тақдимнома бир ҳафта муддат ичида кўриб чиқилади. Маъмурият касаба уюшмаларининг бу талабидан бош тортган ёки юқорида айтилган муддатда ўзаро битимга келишолмаган тақдирда, келишмовчиликлар жамоа меҳнат низоларини ҳал қилиш тўғрисидаги Қонунларга мувофиқ кўриб чиқилади.

**46. Меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нима?**

Ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади, бу ҳимоя меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текширувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, меҳнат низоларини кўрувчи органлар томонидан амалга оширилади. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилишни қуйидагилар амалга оширади:

1. Шунга махсус вакил қилинган давлат органлари ва уларнинг инспекциялари;

2. Касаба уюшмалари ҳамда уларнинг меҳнатни ҳуқуқ ва техника бўйича нозирлари (инспекторлар).

Ўзбекистон Республикасида меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан назорат олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади. Касаба уюшмаларининг ва улардаги сайлаб қўйиладиган органларнинг давлат ва хўжалик органлари, иш берувчилар билан ўзаро муносабатларидаги ҳуқуқлари, қонун, уставлар, жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари билан белгиланади.

**47. Иш берувчи ва ходимларнинг вакиллик органлари олдидаги мажбуриятлари нимадан иборат?**

Иш берувчи қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

- ходимлар вакиллик органларининг ҳуқуқларига риоя қилиш, уларни фаолиятига кўмаклашиш;

- ходимларнинг манфаатларига тааллуқли қарор қабул қилишдан олдин уларнинг вакиллик органлари билан маслаҳатлашиш, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган ҳолларда эса уларнинг розилигини олиш;

- ходимлар вакиллик органларининг таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва қабул қилинган қарорлар ҳақида уларга ёзма равишда асосли жавоб бериш;

- ходимларнинг вакиллик органлари аъзоларини корхонага, манфаатлари ифода этилаётган ходимларнинг иш жойларига монеликсиз қўйиш;

- ходимларнинг вакиллик органларига меҳнат корхона фаолияти масалалари ва бошқа ижтимоий-иқтисодий масалаларга доир ахборотларни текин бериш;

- ходимларнинг вакиллик органларига ўз вазифаларини бажаришлари учун зарур шароит яратиб бериш;

- ходимларнинг вакиллик органларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

**48. Ходимлар вакиллик органларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш мумкинми?**

Ходимлар вакиллик органларининг қонуний фаолиятига ҳар қандай тарзда тўсқинлик қилиш тақиқланади.

Ходимлар вакиллик органларининг фаолиятини иш берувчи ёки у вакил қилган шахслар ташаббуси билан тугатишга йўл қўйилмайди. Ушбу бандларга асосан ҳаракат содир қилган иш берувчи ёки у вакил қилган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

**49. Касаба уюшма органларида ишловчи ходимларга қандай кафолатлар берилади?**

Ходимларнинг вакиллик органлари аъзоларига уларнинг вакиллик фаолиятларини амалга оширишлари муносабати билан иш берувчи томонидан бирон бир шаклдаги таъқиб қилинишидан ҳимоя этиш кафолатланади. Вакиллик органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга интизомий жазо беришга улар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, шунингдек, вакиллик органлари таркибига сайланган ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларни уларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимидаги ваколати тугагандан кейин икки йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан тегишли касаба уюшма органининг розилигини олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди. Сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколати тугагандан кейин аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаса, аввалгисига тенг бошқа иш берилади.

**50. Касаба уюшма қўмитасининг фаол ишлашини таъминлаш учун маъмурият шароит яратиб беришга ҳақлими?**

Корхона маъмурияти касаба уюшмаларига уларнинг фаолияти учун зарур бўлган жиҳозланган биноларни фойдаланиш учун текинга беради, уларни бериш шартлари маъмурият ва касаба уюшмалари иштирокида меҳнат жамоасининг қарори билан белгиланади.Жамоа шартномасини тузиш чоғида қабул қилинган қарорга мувофиқ, корхона касаба уюшмаларига ўз балансидан бўлган ёки ўзи ижарага олган бинолар, хоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни, шунингдек, дам олишни ташкил қилиш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари билан маданий-маърифий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларини олиб бориш учун зарур бўлган дам олиш масканларини, болалар, ўсмирлар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳларини бепул беради.

**51. Вилоят, туман, шаҳар касаба уюшма қўмиталарининг олий органи нима?**

Вилоят, туман, шаҳар касаба уюшма қўмиталарининг олий органи уларнинг конференцияларидир.

**52. Вилоят, туман, шаҳар, бошланғич касаба уюшма қўмиталарининг аъзолари қаерда сайланади?**

Вилоят, туман, шаҳар касаба уюшма қўмиталарининг аъзолари тегишли конференцияларда, бошланғич касаба уюшма қўмитаси аъзолари умумий йиғилишида (конференцияларда) сайланадилар.

**53. Ҳисобот-сайлов йиғилиши (конференцияси) қачон ўтказилади?**

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари (конференциялар) Ўзбекистон касаба уюшмаларининг Устави (тармоқ касаба уюшмаларининг Устави) кўрсатган муддатларда ўтказилади. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари (конференциялар) муддатдан олдин касаба уюшма органи талабига асосан ҳам ўтказилиши мумкин.

**54. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида (конференцияларда) қўмита аъзоларини сайлаш тартиби қандай?**

Ҳисобот-сайлов йиғилиши (конференция) қатнашувчиларининг қарори асосида очиқ ёки ёпиқ овоз бериш йўли билан сайланади.

**55. Касаба уюшмаси қўмитаси раиси қачон ва қандай сайланади?**

Касаба уюшма қўмитаси раиси бевосита йиғилишда (конференцияда) ёки янги сайланган қўмитанинг биринчи ташкилий йиғилишида очиқ овоз бериш йўли билан сайланади.

**(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.)**



## ХАЙРЛИ ИШ

Наманган вилояти Уйчи шаҳарчаси «Нуроний» жамғармаси фаоллари хайрли ишни кунда қилишга интиладилар. Жумладан, куни кеча уруш ва меҳнат фахрийлари, Чернобиль ҳалокати қатнашчилари бўлган 15 нафардан зиёд кишига янги фуқаролик паспортини олишларига ҳомийлик қилдилар.

**Суратда: меҳнат фахрийси Раҳбархон Акбаровага янги паспорт топширилмоқда.**

**А. Юсуфбоев олган сурат.**

## ОЛИМПИАДА ҒОЛИБЛАРИ

*Шу йилдан бошлаб Ўзбекистон олий ўқув юртларида республика ёш ҳуқуқшуносларининг олимпиадасини ўтказиш йўлга қўйилди. Яқинда амалга оширилган талабаларнинг билимлар синовида Тошкент Давлат университети, Тошкент Давлат юридик институти, Республика Ички ишлар вазирлиги академияси ва бошқа олий ўқув юртлари талабалари фаол қатнашдилар.*

*Мамлакатимизда ҳуқуқий ва демократик жамиятни барпо этиш учун малакали мутахассис кадрларни тайёрлашни янада яхшилаш мақсади учун хизмат қиладиган бу олимпиадада толиби илмлар конституциявий ҳуқуқ, давлат ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқ каби мавзулар бўйича ўз билим ва малакаларини намойиш қилдилар.*

*Тошкент Давлат юридик институти талабаси Шерзод Мадиев олимпиадада биринчи ўринни эгаллади. Ички ишлар вазирлиги академиясидан Ойгул Айдарова иккинчи ва жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидан Ҳусниддин Шерматов учинчи ўрин билан тақдирланди.*

**А.АЛИЕВ.**

### Жиноятнинг илдизи қаерда?

# ТУБАНЛИК

Куз ойлари. Бахтиёр Арслонов ҳарбий хизматни тугатиб, қадрдон уйига қайтиб келди. Онаси, сингиллари, ёру дўстлари билан дийдорлашар экан, бу вақт ичида улар анча ўзгарганлигини пайқади. Уларнинг оила аъзолари ҳам бир кишига кўпайганди. Она ўғлига шу ҳақда гап очди.

- Энди бувинг ҳам биз билан бирга яшайди. Ҳар қалай иссиқ-совуғидан хабар олиб туришимиз керак. Тўрт хонали уй-жойимиз ҳаммамизга етади.

- Чимкентдаги бобомчи, ёлғиз яшайдими?

- Йўқ. Чимкентдаги уйни сотиб юборишди. Бобонг ҳозир Янгиердаги холангникида.

- Сотиб юборишди? Ахир ўша уйни менга мерос қилиб қолдиришмоқчи эди-ку?!

- Уйнинг пулини дори-дармон, озиқ-овқат ва бошқа эҳтиёжларга сарфлашаяпти. Бизнинг топганимиз ҳам ўзимиздан ортмайди.

- Пул ҳозир бувимдами?

- Билмадим...

Онаси негадир ўғлининг бу саволига тўғри жавоб бергиси келмади. Бахтиёрнинг бу суҳбатдан кейин кайфияти бузилди. Меросдан маҳрум бўлгани унга тинчлик бермади. Уйдаги муҳит, бунинг устига ҳеч жойда ишламаслиги ҳам уни аламзада қилиб қўйганди. Иккала синглиси, акаси эрталабдан кечгача ишда бўлишар, топган пулларини эса, ҳар ким ўз эҳтиёжи учун алоҳида сарфларди. Кампир ҳам худди шундай тартибга амал қиларди. Шу йўсинда орадан ойлар ўтди. Бир кун Бахтиёр уйига қайлиғини бошлаб келди ва энди у билан шу ерда бирга яшашини уқтирди. Шундан кейин оила аъзоларининг бир-бирларига бўлган эътиборсизлиги, лоқайдлиги янада бўртиб кўрина бошлади. Оила аъзолари Бахтиёрнинг бу хатти-ҳаракатига ҳам аҳамият беришмади. Фақат бувиси билан онаси уларнинг тўй қилишларида ҳеч қандай моддий ёрдам кўрсата олмаслигини эслатиб қўйишди. Келиннинг ота-онаси эса, шаҳар ташқарисида асалчилик билан шуғулланишарди. Бахтиёрлар яшайдиган хонадонга яқин Сирғали туман бозори уларга энг қулай савдо-сотиқ жойи ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам ота-она қишлоқдан асал келтириб берар, у бўлса молни бозорда пулларди. Яқинлари, жумладан ота-онаси уларнинг Бахтиёр билан ўзаро муносабатларидан хабардор эдилар.

Шундай қилиб, хашпаш дегунча қиш ҳам ўтди. Оилада эса, аҳвол ҳануз ўша-ўша. Бугун Бахтиёр ўзи ўйлаган мудҳиш бир режани амалга оширишга қарор қилди. Эрталаб иккала опа-сингил ишга отланишди. Улар кетидан она, қайлиғи билан Бахтиёр ҳам уйдан чиқишди. Онани автобусга кузатиб бўлишгач, улар ҳам ўз манзилларига қараб йўл олишди. Ҳар доимгидай қизнинг ота-онаси бозорда уларни кутиб туришганди. Бахтиёр улар билан шошилинч сўрашиб, қайлиғини бозорда қолдирдида, тезда орқага қайтди.

Бу пайтда бувиси ҳар доимгидай уйда ёлғиз эди. Бахтиёр қалбида йиғилган барча алам тиғларини ҳимоясиз бувисига қаратди... фожеа юз берди. Ўз бувисининг қотилига айланган неваранинг вужудини қўрқув ва даҳшат қоплаганди. Унинг кўзлари олазарак бўлиб, қўллари қалтираб, уйдаги буюмларни у ёқдан бу ёққа улоқтира бошлади. Бувиси тўшаги тагидан 12000 сўм пул топилди. Шунда у пулни олди-да, эшикни очиқ ташлаб, уйдан отилиб чиқиб кетди...

Қўшниларнинг хабарига кўра етиб келган ички ишлар органи ходимлари шу вақтнинг ўзида оила аъзоларини огоҳ қилиб, жиноят содир бўлган жойни синчковлик билан текшириб чиқишади. Тегишли кишиларни сўроқ қилишади.

Турган гапки, олдинига ҳеч ким қотилликни Бахтиёрдан кўрмади. Лекин марҳуманинг маъракаларини Чимкентдаги укасиникида ўтказган она бир-икки ойлардан кейин уйига қайтади. Ҳаммаёқ саранжом-саришта, уйда барча озиқ-овқат маҳсулотлари муҳайё эди. Она уйдагиларнинг бу харажатларга пулни қаёқдан олганлигига ҳайрон бўлиб, ўғлини узоқ-яқиндан суҳбатга тортди ва унинг қотилликда қўли борлигини фаҳмлади. Буни пайқаган ўғил онасига, агар ломмим дейдиган бўлса, уни ҳам бувисининг кетидан жўнатишини тушунтириб қўйди. Ўтакаси ёрилган она бу ҳақда орган ходимларига маълум қилиб, ўзини ўғлидан ҳимоя қилишларини сўради. Чунки ўғлининг яна бир ваҳшийликдан тап тортмаслигини тушунарди.

Ҳа, ҳар қандай она учун бундан-да оғирроқ кўргулик бўлмаса керак. Шу ерда ўринли бир савол туғилади. Нега бу фожеа юз берди?

Келинг, ана шу масалага ойдинлик киритишга ҳаракат қилайлик.

Бахтиёр ҳеч қаерда ишламаслиги оқибатида моддий жиҳатдан қийналди. Буни оила аъзолари, онаси яхши била туриб унга бефарқ қарашди. Яъни ҳар ким ўз топганини ўзига алоҳида сарфлади. Шу тариқа кампирнинг ҳам алоҳида овқатланиши, бу унга тегишли бўлган меросни ҳазм қилиб юбораётгандек туюларди. Бахтиёр сотилган уйнинг пули бувисидами ёки йўқми, шу ҳақда онасидан кўп бор суриштирган. Она эса, одатдагидек бу нарсага ҳам бефарқ қараган.

Оиладаги бефарқлик, лоқайдлик оқибатида Бахтиёрнинг қалбидаги оила аъзоларига нисбатан пайдо бўлган алам, муҳтожлик оқибатида нафратга айланган.

Яна бир нарса: она тергов ходимларига берган охирги кўрсатмасида ўғли бир гапида бувисининг пулларини ўғирлаб бўлса ҳам олиб қўйишини айтган. Демак, она ўғлида қабиҳ ният пайдо бўлаётганини билган. Шунга қарамасдан, бунинг олдини олиш учун бирон-бир чора кўрмаган.

Марҳуманинг тўшаги тагидан топилган 12 минг сўм пул ҳам аслида онанинг маоши ва кампирнинг пенсия пуллари эканлиги кейинчалик маълум бўлди. Ҳайратланарлиси шундаки, уйда пул бўла туриб, у энг зарур эҳтиёжларга сарфланмаган. Бу ҳолатдан оила аъзоларининг бир-бирларига бўлган муносабатлари ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Бизга азалдан маълумки, оиланинг ҳамжиҳатлиги, иноқлиги ва меҳр-оқибатлилиги ота-онадан бошланади. Бу фожеанинг юз бериши оилада айнан ана шундай маънавий фазилатларнинг етишмаслиги оқибати эмасмикин?!

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА.**

